## 12/1-сонли шартнома

**Чортоқ тумани** **2022 йил "16" декабрь**

ООО "MUXAMMAD LIGHT" номидан низом асосида иш юритувчи А.Рахматов бир томондан (бундан буён матнда "Бажарувчи" деб юритилади) ҳамда Чортоқ туман махалла ва нуронийларни қуллаб-кувватлаш бўлими номидан низом асосида иш юритувчи М.Нематиллаев, иккинчи томондан (бундан буён матнда "Буюртмачи" деб юритилади) қуйидагилар ҳақида мазкур шартномани туздик:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Бажарувчи" ООО ООО "MUXAMMAD LIGHT" **мукаммал таъмирлаш** ишларини кўрсатиш мажбуриятини олади, "Буюртмачи" ушбу хизматларни ва товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади. Кўрсатиладиган хизматларнинг қатъий турлари, миқдори ва баҳоси ушбу шартноманинг ажралмас қисми бўлган спецификацияда келтирилади.

### II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

– бажарувчидан техник шартларга лозим даражадаги хизматларни кўрсатишни талаб қилиш;

– лозим даражадаги сифатда хизмат кўрсатилмаган тақдирда, ўз хоҳишига кўра қуйидагиларни талаб қилиш:

– камчиликларни бепул бартараф этиш ёки Буюртмачининг ёки учинчи шахснинг камчиликларни бартараф этишга доир харажатларини қоплаш;

– баҳосини мутаносиб равишда пасайтириш;

– шартнома шартларининг бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

– ушбу Шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган хизматларни қабул қилиш;

– ушбу Шартноманинг 3.1 ва 3.2-бандларига мувофиқ кўрсатилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш.

2.3. Бажарувчининг ҳуқуқлари:

– буюртмачидан амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда ва ҳажмда кўрсатилган хизматлар учун олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобларни амалга оширишни талаб қилиш;

– буюртмачидан бажарилган ишни қабул қилишни асоссиз равишда рад этиш натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш;

2.4. Бажарувчининг мажбуриятлари:

– ушбу шартномага мувофиқ ёки Буюртмачининг ушбу шартноманинг 4.8-бандида белгиланган тартибда у томонидан тақдим этилган техник топшириққа биноан хизматларни белгиланган муддат, миқдор ва сифатлар бўйича кўрсатиш;

– агар хизмат кўрсатиш жараёнида Бажарувчи шартнома шартларидан ва техник шартлардан четга чиқса, Буюртмачининг талабига биноан уч кун ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этиш.

### III. ШАРТНОМА БАҲОСИ ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Ушбу шартноманинг баҳоси 625350000 **(Олти юз йигирма беш миллион уч юз эллик минг )** сўм, ҚҚС билан (ҚҚС сиз).

Кўрсатиладиган хизматларнинг баҳоси ушбу шартноманинг иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи тақдим этиладиган хизматнинг 30 фоизи миқдорида олдиндан тўловни амалга оширади ва маблағ Бажарувчининг ҳисобрақамига келиб тушган санадан бошлаб ушбу шартноманинг мажбуриятлари бажарилиши бошланади.

Кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китобнинг қолган қисми бажарилган ишлар тўғрисидаги далолатнома имзоланганидан кейин уч иш куни ичида амалга оширилади.

3.3. Хизматлар бўйича ҳисоб-китоблар банк ўтказмаси орқали Бажарувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### IV. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИШ

4.1. Шартнома шартлари ушбу шартнома ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар томонлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаган бўлса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

Сканировано с CamScanner

4.2. Шартномани бажаришдан бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши санаси ҳисобварақ-фактура тузилган кун деб ҳисобланади.

Ғазначилик штампида кўрсатилган сана Буюртмачининг хизматлар учун тўловларни тўлаш бўйича мажбуриятларини бажарадиган кун ҳисобланади.

4.4. Буюртмачининг розилиги билан хизматлар муддатидан олдин тақдим этилиши мумкин.

4.5. Буюртмачи белгиланган муддатларни бузган ҳолда кўрсатилган хизматни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.6. Белгиланган миқдордан ортиқ битта номдаги хизматни кўрсатиш худди шу техник топшириққа киритилган бошқа номдаги хизматнинг камчиликларини тўлдириш деб ҳисобланмайди, камчиликлар тўлдирилиши лозим, Буюртмачининг олдиндан ёзма розилиги билан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно.

4.7. Кўрсатилаётган хизмат тўғридан-тўғри Буюртмачининг масъул ходимлари томонидан тақдим этилаётган хизматлар ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилган ҳисобварақ-фактура бўйича қабул қилинади.

Шартномада назарда тутилган хизматлар ушбу шартномага мувофиқ ёки ушбу шартномада белгиланган муддатларда ва ҳажмларда амалга оширилади.

Буюртма бевосита (қўлда), почта орқали ёки бошқа усул билан хизматларни кўрсатиш назарда тутилаётган сана бошланишидан беш кундан кечиктирмай тақдим этилади. Буюртма бевосита (қўлда) қабул қилганда, Бажарувчининг ходими Буюртмачида қоладиган буюртма нусхасида қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. Буюртмачи илгари берилган буюртмани бекор қилишга ёки хизматларнинг тегишли қисмини кўрсатиш санасини Бажарувчини буюртмада кўрсатилган санадан камида бир кун олдин хабар берган ҳолда ўзгартиришга ҳақли.

## V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Тақдим этилаётган хизматларнинг сифати, миқдори, уларнинг баҳоси Бажарувчи томонидан нотўғри белгиланганлик ҳолати аниқланган тақдирда, Бажарувчи тақдим этилаётган хизматларнинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб ишларини амалга оширади ва ушбу ҳисобланган суммага қўшимча равишда мижозга нотўғри ҳисобланган сумманинг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.2. Агар тақдим этилаётган хизматларнинг сифати шартномада кўрсатилган техник ва бошқа шартларнинг талабларига жавоб бермаса, айбдор томон тақдим этилган сифати лозим даражада бўлмаган хизматлар баҳосининг 20% миқдорида жарима тўлайди.

5.3. Жарима ва пенядан ташқари, Бажарувчи Буюртмачига хизматларни тақдим этмаслик натижасида этказилган зарарни қоплайди.

5.4. Хизматлар кечиктирилган ёки кўрсатилмаган тақдирда, Бажарувчи Буюртмачига ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, аммо жариманинг умумий миқдори кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани тўғри бажаришдан ва хизматларни кечиктириш ёки кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

5.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўловни ўз вақтида тўламаган тақдирда, Буюртмачи Бажарувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, лекин муддати ўтган тўлов миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

5.6. Буюртмачи шартноманинг тегишли шартини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарликка тортилганда, тегишли ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида Буюртмачи томонидан шартнома шартлари бажарилмаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) юзасидан Бажарувчининг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади.

Буюртмачининг Бажарувчи айби билан шартномани бажармаганлиги (лозим даражада бажарилмаганлиги) натижасида етказилган зарар, белгиланган тартибда Бажарувчи томонидан қопланади.

5.7. Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилмаган жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

## VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Томонлар ўртасида ушбу келишувдан келиб чиқадиган низолар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

Сканировано с CamScanner

6.2. Томонлар ўртасидаги музокаралар йўли билан ҳал қилинмаган низолар иқтисодий судда ҳал қилинади.

## VII. ФОРС-МАЖОР ҲОЛАТЛАРИ

7.1. Агар ушбу шартнома тузилгандан сўнг, ушбу шартномада белгиланган мажбуриятларнинг бирон бир томонини тўлиқ ёки қисман тўғри бажаришига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар юзага келса ва агар бундай ҳолатлар, яъни ёнғин, тошқин, зилзила, бошқа табиий офатлар, экспорт ёки импортга тўсиқлар ёки эмбарголар, уруш, жанговар ҳаракатлар, террористик ҳаракатлар, иш ташлашлар (томонлар ишчиларининг иш ташлашларидан ташқари), пандемия, амалдаги қонунчиликдаги ўзгаришлар, давлат органлари ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қабул қилинган умумий характердаги қарорлар томонларнинг шартнома шартларини бажаришига бевосита таъсир қилса, тегишли мажбуриятларнинг бажарилиши вақти бундай ҳолатлар бартараф этилган вақтга ёки уларнинг оқибатлари тугаши вақтига кўчирилади.

7.2. Форс-мажор ҳолатлари юзага келган Томон, ушбу ҳолат ҳақида шунингдек, ҳолатнинг тахминий давомийлиги тўғрисида бошқа Томонни ёзма равишда 7 (етти) кун ичида хабардор қилиши шарт. Агар юқорида кўрсатилган ҳолатлар тўғрисида ўз вақтида хабар берилмаган бўлса, енгиб бўлмас куч таъсирида зарар етказилган Томон ушбу ҳолатларни асос қилиб ололмайди.

7.3. Хабарномада кўрсатилган фактлар расмий манбалар томонидан берилган ҳужжатлар билан тасдиқланиши керак, шу жумладан, пресс-релизлар, бироқ улар билан чекланмаслик лозим. Бундай хабарноманинг йўқлиги, шунингдек тегишли далилларнинг йўқлиги ушбу томонни шартнома мажбуриятларини бажаришдан озод қилинишига асос сифатида юқоридаги ҳолатларни келтириш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

7.4. Фавқулодда вазиятлар юзага келган тақдирда, томонлар зудлик билан ўзаро музокаралар олиб борадилар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этиш ёки бартараф этиш мақсадида кўриладиган чоралар тўғрисида келишиб оладилар.

7.5. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришига тўсқинлик қиладиган бўлса, томонларнинг ҳар бири бошқа томонга ушбу шартномани бекор қилишнинг кутилаётган санасидан 10 (ўн) иш куни олдин ёзма равишда хабар юборганидан кейин ушбу шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолда томонларнинг ҳеч бири бошқа томондан форс-мажор ҳолатлари натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли эмас. Шунингдек, Бажарувчи бажарилмаган мажбуриятлари учун Буюртмачидан олинган барча тўловларни Буюртмачига қайтаради ва Буюртмачи Бажарувчининг бажарилган барча мажбуриятларини тўлиқ тўлайди.

## VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ

8.1. Ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари ҳар қандай ноқонуний устунликларга ёки бошқа ноқонуний мақсадларга эришиш учун бевосита ёки билвосита пул маблағлари ёки қимматликларни тўлашни амалга оширмайди.

8.2. Ушбу Шартнома мажбуриятларини бажараётганда Томонлар, уларнинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари пора бериш/олиш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва халқаро ҳужжатларнинг талабларини бузадиган ҳаракатларни амалга оширмайдилар. Жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга оид халқаро ҳужжатлар талабларини бузилиши каби ҳаракатларни амалга оширмайди.

8.3. Ушбу Шартнома Томонларининг ҳар бири бошқа Томоннинг ходимларини ҳар қандай тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул маблағлари, совғалар бериш, уларга иш (хизматлар)ни бепул бажариши ва ушбу бандда кўрсатилмаган бошқа усуллар билан ходимнинг рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатларни содир этишдан бош тортади.

Ходимнинг уни рағбатлантирувчи томон фойдасига амалга оширган ҳаракатлари деганда қуйидагилар тушунилади:

– бошқа контрагентлар билан таққослаганда асоссиз устунликларни тақдим этиш;

– ҳар қандай кафолатлар билан таъминлаш;

– амалдаги тартиб-таомилларни тезлаштириш;

– ходим томонидан ўз вазифалари доирасида амалга ошириладиган, аммо Томонлар ўртасидаги муносабатларнинг шаффофлиги ва очиқлиги тамойилларига зид бўлган бошқа ҳаракатлар.

8.4. Агар Томонлардан бири мазкур шартноманинг 2-иловасида келтирилган коррупцияга қарши курашиш шартларини бузган ёки бузиши мумкин деб гумон қилса, иккинчи Томонни ёзма равишда хабардор қилишга мажбур. Ёзма хабарномадан сўнг, тегишли Томон ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини бузилиш содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги тасдиқлангунга қадар тўхтатиб туришга ҳақли. Ушбу тасдиқ ёзма хабарнома юборилган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида юборилиши керак.

Сканировано с CamScanner

8.5. Ёзма хабарномада Томон контрагент, унинг шериклари, ишчилари ёки воситачилари томонидан ушбу шартлар ва қоидаларнинг бузилганлиги ёки бузилиши мумкинлигини ишончли тарзда тасдиқлайдиган ёки асослаши мумкин бўлган фактларга таяниши ёки тегишли материалларни тақдим этишга мажбур, яъни пора олиш/бериш, тижорий пора олиш, шунингдек амалдаги қонунчилик ва жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши кураш бўйича халқаро ҳужжатлар талабларини бузадиган ҳаракатлар асослантирилиши лозим.

8.6. Шартноманинг тарафлари коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриш тартиб-таомилларини тан олади ва уларга риоя этилишини назорат қилади. Бунда Томонлар коррупциявий фаолият билан шуғулланиши мумкин бўлган контрагентлар билан ишбилармонлик муносабатлари хавфини минималлаштириш, шунингдек, коррупциянинг олдини олиш мақсадида бир-бирига ўзаро ёрдам бериш учун оқилона ҳаракатларни амалга оширадилар. Шунингдек, Томонлар коррупциявий фаолиятга Томонларнинг иштироки хавфини олдини олиш мақсадида текширувлар ўтказиш тартиб-таомилларини амалга оширилишини таъминлайдилар.

8.7. Томонлар ўзларининг содир этилиши мумкин бўлган ноқонуний хатти-ҳаракатлари ва ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларининг бузилиши контрагентнинг ишончлилиги рейтингини пасайтиришидан тортиб ушбу шартноманинг бекор қилинишигача бўлган нохуш оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тан олади.

8.8. Томонлар махфийлик тамойилларига риоя қилган ҳолда ушбу Шартномани бажариш доирасида келтирилган фактлар бўйича тегишли тартиб-таомиллар амалга оширилишини ва амалий қийинчиликларни бартараф этиш ва юзага келиши мумкин бўлган низоли вазиятларнинг олдини олиш бўйича самарали чораларни қўллашни кафолатлайдилар.

8.9. Томонлар ушбу Шартноманинг коррупцияга қарши курашиш шартларини бажариш бўйича тўлиқ махфийликни, шунингдек, талаблар бузилганлиги фактлари тўғрисида хабар берган Томон учун ҳам, шунингдек, хабар берган Томоннинг ходимлари учун ҳам салбий оқибатлар келтирмаслигини кафолатлайдилар.

## IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

9.1. Ушбу шартнома Томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қилади.

9.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар ушбу шартноманинг барча шартлари бажарилганда ва ҳисоб-китоблар тўлиқ амалга оширилганда тугайди.

## X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Ушбу Шартнома томонларнинг келишуви билан ёки Томонлардан бирининг талабига биноан, бошқа томон томонидан шартнома шартлари сезиларли даражада бузилган тақдирда суд томонидан бекор қилиниши мумкин.

10.2. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма равишда тузилган ва тарафларнинг тегишли ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал қилади.

10.3. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

10.4. Ушбу шартнома, унга киритилган ўзгартиришлар (қўшимчалар) томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб оширилади.

## XI. ТОМОНЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ИМЗОЛАРИ

| Бажарувчи: | Буюртмачи: |
|---|---|
| ООО "MUXAMMAD LIGHT" | Чортоқ туман махала вамнуронийларни қуллаб-кувватлаш бўлими |
| Манзил: Чортоқ туман Мустакллик МФЙ Нурли кўчаси 39-уй | Чортоқ шахар Истиқлол хиёбони |
| Тел 998939440009 | Р/с:401722860142367011402259002 |
| Х/Р: 20208000505043312001 | Л/с: |
| Банк номи: Хамкор банк Чортоқ филиали | Банк реквизитлари: М.Б. ХККМ |
| МФО: 00992 | МФО : 00014 |
| ИНН: 306260740 | ИНН: 207316402 |
| ОКЭД: | ОКЭД: |
| Бажарувчи: ______ А.Рахматов | Буюртмачи: ______ М.Нематиллаев |

ID 6101288685 raqamli xulosa haqiqatan ham ushbu shartnomaga tegishli A.A. Meliboyev

Сканировано с CamScanner

1916092

Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

## GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"MUXAMMAD LIGHT" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"MUXAMMAD LIGHT" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

25.03.2019 702400 ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR): 306260740

| | |
|---|---|
| Tashkiliy-huquqiy shakli: | Mas'uliyati cheklangan jamiyat |
| Joylashgan joyi: | Namangan viloyati, Chortoq tumani, Koroskon, Mustaqillik MFY, Nurli ko'chasi 39 uy, |
| Guvohnoma: | Namangan viloyati, Chortoq tumani, DAVLAT XIZMATLARI MARKAZI tomonidan berilgan |

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi)

GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: JD6101288685

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA

JD6101288685

**1.** Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **Xo‘jalik munosabatlari**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot: Chortoq tumani Mahalla va nuroniylarni qo‘llab-quvvatlash bo‘limi tomonidan 15.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Chortoq tumani yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**A.A.MELIBOYEV**

16.12.2022

Сканировано с CamScanner

# XALQ DEPUTATLAR CHORTOQ TUMANI KENGASHINING QARORI

2022 - yil 5 - oktabr VI-44-85-6-88-K/22 Chortoq tuman hokimligi

**Чортоқ туманида Ўзбекистон Республикаси “Ochiq budget” портали орқали фуқаролар томонидан берилган таклифларга овоз бериш якунлари бўйича ғолиб деб топилган лойиҳаларни тасдиқлаш ва маблағларини йўналтириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги “Маҳаллий бюджет маблағларини сарфланишида жамоатчилик иштирокини таъминлаш тўғрисида”ги КҚ-213-IV-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6,25-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Чортоқ тумани Кенгаши

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ бюджет харажатларининг 5 фоизини жамоатчилик фикри асосида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш тартиби жорий этилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли қарорига мувофиқ Овоз бериш жараёни якунларига кўра, 2022 йил 2-босқичида голиб деб топилган таклифлар учун ишчи комиссия томонидан ажратилиши белгиланган 5 795 000 (беш миллиард етти юз тўқсон беш миллион) минг сўм жамгарма маблағларидан молиялаштириладиган тадбирлар бўйича таклифлар иловага мувофиқ голиб деб топилган лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан буюртмачи ташкилотларни аниқлаб манзилли рўйхат тасдиқлансин ва тегишлилиги бўйича йўналтирилсин.

3. Туман ҳокимлиги бош ҳисобчиси (А.Боймирзаев)га туман ҳокимлигининг “Фуқаролар ташаббус жамгармаси”дан манзилли рўйхат асосида голиб деб топилган ҳар бир лойиҳа учун буюртмачи ташкилотларни “401722...” алоҳида ҳисоб вароқларига маблаглар йўналтириш чораларини кўрсинлар.

4. Ҳаражатларни амалга оширишга масъул ташкилотлар раҳбарларига:



Сканировано с CamScanner

ажратилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда тўловларни амалга ошириш;

молиялаштириш манбасини очиш учун ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатларни туман молия бўлими ва туман ғазначилик бўлинмасига тақдим этиш;

ажратилган маблағлардан тўғри, мақсадли, самарали ва амалдаги тартиблар асосида фойдаланиш ҳамда лойиҳада назарда тутилмаган тадбирлар учун ҳаражатларни амалга оширмасликни таъминлаш;

ажратилган мақсадли маблағларни ўз вақтида ва самарали ишлатилиши юзасидан молиявий ҳисоботлар асосида тизимли ўрганиш ҳамда ўрганиш натижаларига кўра, ишлатилмаган ва иқтисод қилинган маблағларни туман ҳокимлигида очилган “Фуқаролар ташаббус жамғармаси”га қайтариш чораларини кўрсинлар.

5. Туман ҳокимлигининг молия бўлими (Д.Вахабов)га бюджет ҳаражатлар режасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш, туман ғазначилик бўлинмаси (Ф.Қамбаров)га тўловларни ўрнатилган тартибда ва ўз вақтида амалга ошириш ҳамда ажратилган маблағлардан мақсадли фойдаланилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорати Халқ депутатлари туман Кенгашининг Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари доимий комиссияси ҳамда туман ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Умурзақов зиммасига юклатилсин.

**Туман ҳокими** **А.Отаходжаев**



Сканировано с CamScanner

Xalq deputatlari Chortoq tuman Kengashining
2022 yil 5 oktabrdagi
VI-44-85-6-88-K/22-son qaroriga
1-ilova

## Наманган вилояти Чортоқ тумани бўйича 2022 йил 2-мавсум жамоатчилик фикри асосида ўтказилган “Опен бюджет” лойиҳасида ғолиб бўлган лойиҳалар асосида шаклланган тадбирларни молиялаштириш бўйича

## МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ

| № | "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати (минг сўмда) | Ҳақиқатда ажратилган (мингсўмда) | Молиялаштириш манбаси (МЙЖ, қўшимча манба, бюджет параметри) | Буюртмачи ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўплаган овозлари сони | | | | |
| "Фуқаролар ташаббуси жамғармаси"да шаклланган маблағ | | | | | 5 025 000,0 | x | x |
| 1 | 0910600143 | 53- умум таълим мактабимизга фаоллар зали қуриш хамда фаоллар залини жихозлаш учун | 4 467 | 1 100 000,0 | 1 100 000,0 | | Халқ таълими |
| 2 | 0910600117 | Чорток туман "Сохибкор" МФЙга бино куриш учун | 4 379 | 600 000,0 | 600 000,0 | | Маҳалла ва Нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими |
| 3 | 0910600118 | Чорток туман "Бештол" МФЙга бино қуриш учун | 4 192 | 700 000,0 | 700 000,0 | | Маҳалла ва Нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими |
| 4 | 0910600171 | 25-умумий ўрта таълим мактабини АКТ ва моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда эски қозонхонани таъмирлаб фаоллар залига айлантириш учун | 4 100 | 1 125 000,0 | 1 125 000,0 | | Халқ таълими |
| 5 | 0910600170 | Чортоқ туман ХТБга қарашли 43-сонли мактаби биносини қўрғон деворларини янгилаш ва мактаб ўқувчиларни соғлом овқатланишини ташкил этиш мақсадида 80 ўринли ошхона мебел жиҳозлари олиш ҳаражатлари учун | 4 053 | 1 000 000,0 | 1 000 000,0 | | Халқ таълими |
| 6 | 0910600004 | Чортоқ туман "Баркамол авлод" болалар мактаби хожатхонасини замонавий тарзда қайтадан куриш ва эскирган биноларни таъмирлаш учун | 3 867 | 500 000,0 | 500 000,0 | | Халқ таълими |
| Тақсимланмаган маблағ* | | | | | 770 000,0 | x | x |



Сканировано с CamScanner

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 206491 на приобретение Опен бюджет доирасидаги Чорток туман Бештол МФЙ биносини мукаммал таъмирлаш хизмати**

Способ проведения электронный

Дата 13.12.2022

Время рассмотрения 05.12.2022 18:00

Конкурсная комиссия Чорток туман махалла ва оилани куллаб куватлаш булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NEMATILLAYEV MAXAMODJON ABDUVALI O‘G‘LI | Булим бошлиги | Чорток туман махалла ва нуронийларни куллаб кувватлаш булими |
| **Секретарь комиссии** | KUCHKORBAYEV OLIMJON MUXAMADJONOVICH | Етакчи мутахасис | Чорток туман махалла ва нуронийларни куллаб-кувватлаш булими |
| **Член комиссии** | SHAMATOV UMIDJON G‘ANIJON O‘G‘LI | Хужалик мудири | Чорток туман махалла ва нуронийларни куллаб-кувватлаш булими |
| **Член комиссии** | SATTAROV UMRZOQ MADUMAROVICH | Етакчи мутахасис | Чорток туман махалла ва нуронийларни куллаб-кувватлаш булими |
| **Член комиссии** | POSHAXONOV ILYOSXON BAXODIRXONOVICH | Деканобод МФЙ раиси | Чорток туман махалла ва нуронийларни куллаб-кувватлаш булими |
| **Член комиссии** | ABDAMUTOV SHOXRUH ABDUJABBOR O‘G‘LI | Мутахасис | Чорток туман махалла ва нуронийларни куллаб-кувватлаш булими |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 13.12.2022 года № лота 206491.
Метод оценки предложений – Бальный метод

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по капитальному ремонту зданий** |
|---|---|
| Подробное описание | Чорток туман Бештол МФЙ биносини мукаммал таъмирлаш хизмати |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | усл. ед |
| Цена товара (услуги) за единицу | 628 580 109.00 |
| Стартовая сумма | 628 580 109.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурий.

Тип: Текстовое значение

Описание: Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурий.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO EVRO BIZNES TRADE STROY** | 8 | Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурий. | 8 | Экспертная | | |
| **OOO MUXAMMAD LIGHT** | 8 | Коррупция кўринишларига йўл қўймаслик бўйича ариза тақдим этиш мажбурий. | 8 | Экспертная | | |

Критерий №2 Молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан.

Тип: Текстовое значение

Описание: Молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO EVRO BIZNES TRADE STROY** | 9 | Молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан. | 9 | Экспертная | | |
| **OOO MUXAMMAD LIGHT** | 9 | Молиявий аҳволи ҳақидаги ҳужжатлар, молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг нусхаси билан. | 9 | Экспертная | | |

Критерий №3 Қурилиш соҳасида рейтинг даражасига эга ташкилот қатнашиши шарт

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш соҳасида рейтинг даражасига эга ташкилот қатнашиши шарт

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO EVRO BIZNES TRADE STROY** | 7 | Қурилиш соҳасида рейтинг даражасига эга ташкилот қатнашиши шарт | 7 | Экспертная | | |
| **OOO MUXAMMAD LIGHT** | 7 | Қурилиш соҳасида рейтинг даражасига эга ташкилот қатнашиши шарт | 7 | Экспертная | | |

Критерий №4 Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси, ҳодимлар сони хамда малакалари бўйича кўрсаткичлар.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси, ҳодимлар сони хамда малакалари бўйича кўрсаткичлар.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO EVRO BIZNES** | 9 | Танлов иштирокчисининг иш ҳақи | 5 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **TRADE STROY** | | жамғармаси, ҳодимлар сони хамда малакалари бўйича кўрсаткичлар. | | | | |
| **ООО MUXAMMAD LIGHT** | 9 | Танлов иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси, ҳодимлар сони хамда малакалари бўйича кўрсаткичлар. | 8 | Экспертная | | |

Критерий №5 Танловдаги объектга ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси.

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловдаги объектга ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EVRO BIZNES TRADE STROY** | 8 | Танловдаги объектга ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси. | 4 | Экспертная | | |
| **ООО MUXAMMAD LIGHT** | 8 | Танловдаги объектга ўхшаш объектлардаги иш тажрибаси. | 8 | Экспертная | | |

Критерий №6 Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EVRO BIZNES TRADE STROY** | 8 | Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот | 6 | Экспертная | | |
| **ООО MUXAMMAD LIGHT** | 8 | Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни қуриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган шартномалар (объектлар) ҳақида маълумот | 8 | Экспертная | | |

Критерий №7 Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EVRO BIZNES TRADE STROY** | 9 | Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати | 9 | Экспертная | | |
| **ООО MUXAMMAD LIGHT** | 9 | Танлов буюртмасини таъминлаш кафолати | 9 | Экспертная | | |

Критерий №8 Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EVRO BIZNES TRADE STROY** | 10 | Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати | 10 | Экспертная | | |
| **ООО MUXAMMAD LIGHT** | 10 | Ишларни бажаришда фойдаланиладиган танлов иштирокчисининг машина ва механизмлари рўйхати | 7 | Экспертная | | |

Критерий №9 Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание: Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EVRO BIZNES TRADE STROY** | 8 | Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар | 8 | Экспертная | | |
| **ООО MUXAMMAD LIGHT** | 8 | Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар | 8 | Экспертная | | |

Критерий №10 Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдоридаги маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси.

Тип: Текстовое значение

Описание: Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдоридаги маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EVRO BIZNES TRADE STROY** | 7 | Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдоридаги маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси. | 5 | Экспертная | | |
| **ООО** | 7 | Объектнинг буюртмачи белгиланган | 7 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **MUXAMMAD LIGHT** | | бошланғич нархининг 20 % кам бўлмаган миқдоридаги маблағлар мавжудлиги тўғрисида оферентга хизмат килувчи банк томонидан тасдиқланган банк маълумотномаси. | | | | |

Критерий №11 Қурилиш майдонини бориб кўрганлиги, хамда берилган лойиха смета хужжатларига ўзларини тижорий таклиф бериш

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш майдонини бориб кўрганлиги, хамда берилган лойиха смета хужжатларига ўзларини тижорий таклиф бериш

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EVRO BIZNES TRADE STROY** | 7 | Қурилиш майдонини бориб кўрганлиги, хамда берилган лойиха смета хужжатларига ўзларини тижорий таклиф бериш | 7 | Экспертная | | |
| **ООО MUXAMMAD LIGHT** | 7 | Қурилиш майдонини бориб кўрганлиги, хамда берилган лойиха смета хужжатларига ўзларини тижорий таклиф бериш | 7 | Экспертная | | |

Финансовое значение

**Наименование товара: Услуги по капитальному ремонту зданий**

| Ценовые предложения | | | | Порядок оценки ценовых предложений | |
|---|---|---|---|---|---|
| Наименование участника | Стартовая сумма (UZS) | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Итоговое значение ( UZS) |
| **ООО EVRO BIZNES TRADE STROY** | 628 580 109.00 | 600 000 000.00 UZS | 600 000 000.00 | 00.00 | 600 000 000.00 |
| **ООО MUXAMMAD LIGHT** | 628 580 109.00 | 625 350 000.00 UZS | 625 350 000.00 | 00.00 | 625 350 000.00 |

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 628 580 109.00 UZS

| Наименование участника | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО EVRO BIZNES TRADE STROY** | 600 000 000.00 UZS | 600 000 000.00 | 00.00 | 00.00 | 600 000 000.00 | 12.12.2022 19:54:48 | 10 |
| **ООО MUXAMMAD** | 625 350 000.00 UZS | 625 350 000.00 | 00.00 | 00.00 | 625 350 000.00 | 12.12.2022 22:17:33 | 9.59463 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **LIGHT** | | | | | | | |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **ООО EVRO BIZNES TRADE STROY** | 78.0003 | 10 | 88.0003 |
| **ООО MUXAMMAD LIGHT** | 86.0004 | 9.59463 | 95.59503 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 206491 от 13.12.2022 года на приобретение Опен бюджет доирасидаги Чорток туман Бештол МФЙ биносини мукаммал таъмирлаш хизмати определила победителем:

ООО MUXAMMAD LIGHT
306260740

и резервный исполнитель: ООО EVRO BIZNES TRADE STROY ( 306485413 )

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | NEMATILLAYEV MAXAMODJON ABDUVALI O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHAMATOV UMIDJON G‘ANIJON O‘G‘LI | Согласен | |
| **Член комиссии** | SATTAROV UMRZOQ MADUMAROVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | ABDAMUTOV SHOXRUH ABDUJABBOR O‘G‘LI | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП